



КИБЕР ЎҒРИЛИКЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШ САБАБЛАРИ ВА БУНГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ, УЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Камалов Ойбек Ахматович

Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғининг ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор

Асқаров Мирзохид Миржалол ўғли

Ички ишлар вазирлиги Академияси Ички ишлар органлари
фаолиятини услубий таъминлаш маркази бош илмий ходими
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166534>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Ҳуқуқбузарлик, жиноят,
ўғрилик, кибер ўғрилик,
таҳлил, усул, сабаб, шарт-
шароит, омил, олдини олиш,
профилактика.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қайд этилган кибер ўғрилик жиноятлари, ушбу турдаги жиноятларини содир этилиш усуллари, сабаблари, бунга имкон бераётган шарт-шароитлар ва омиллар таҳлил қилиниб, кибер ўғриликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган илмий асосланган амалий-услубий тавсиялар берилган.

Ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб (кибер ўғрилик) содир этилган ўғриликлар қисқа фурсат ичида содир этилиши, натижада шахс ва давлат манфаатларига етказилмаган зарар миқдори бошқа кўринишдаги ўғриликлар оқибатида етказилган зарар миқдоридан бир неча баробар кўп бўлиши, шунингдек жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва фош этиш учун замонавий ахборот-коммуникация воситалари ҳамда етук мутахассисларни талаб этиши, аксарият ҳолатларда талон-торож қилинган маблағларнинг Республикадан ташқарига чиқиб кетиши билан ижтимоий хавфли ҳисобланади. Шу сабабли, ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб (кибер ўғрилик) содир этилган ўғриликлардан ҳимоя қилишга қаратилган дастурий таъминотлар комплексларини яратиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда интернет фойдаланувчилари сони 27,2 миллиондан ошган, шундан мобиль интернет фойдаланувчилари сони 25,3 миллионни ташкил этади. Бу эса фуқароларнинг ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб (кибер ўғрилик) содир этилаётган ўғриликлардан жабрланиш эҳтимоли юқорилигини тасдиқлайди.[1]

Қуйида биз Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қайд этилган кибер ўғрилик жиноятлари, уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари таҳлил қилиб, ушбу турдаги ўғриликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш борасидаги долзарб масалаларга тўхталмоқчимиз.



Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йил давомида жами 3367 та жиноят қайд этилган, қайд этилган жиноятларнинг 57,4 (1935 та) фоизи жиноят қидирув йўналишида содир этилган бўлиб, шундан 20,4 (396 та) фоизи ўғриликларни ташкил этади. Республикада 2021 йилга нисбатан ўғриликларнинг сони ортиб кетишига йўл қўйилмаган бўлса-да, аммо жиноят-қидирув соҳасидаги жиноятларнинг 20,4 фоизини айнан ўғрилик ташкил этаётгани сабабли, ушбу жиноятни олдини олиш борасидаги ишларни жадаллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Аҳоли сонига нисбатан таҳлил қилинганда, Қорақалпоғистон Республикасида ўғрилик жиноятлари ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан ўртача 20,3 тани ташкил этмоқда.

Шунингдек, Хоразм вилоятида 2022 йил давомида жами 2905 та жиноят қайд этилган. Ушбу жиноятларнинг 56,5 (1643 та) фоизи жиноят қидирув йўналишида содир этилган бўлиб, шундан 20,3 (335 та) фоизи ўғриликларни ташкил этади. Вилоятда 2021 йилга нисбатан ўғриликларнинг сони ортиб кетишига йўл қўйилмаган бўлса-да, аммо жиноят-қидирув соҳасидаги жиноятларнинг 20,3 фоизини айнан ўғрилик ташкил этаётгани сабабли, ушбу жиноятни олдини олиш борасидаги ишларни жадаллаштириш лозим. Аҳоли сонига нисбатан таҳлил қилинганда, Хоразм вилоятида ўғрилик жиноятлари ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан ўртача 17,1 тани ташкил этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб содир этилган ўғриликлар умумий жиноятчиликнинг 1,2 фоизини, Хоразм вилоятида 4,4 фоизни ташкил этса-да, ўғриликнинг ушбу тури йилдан-йилга тез суръатларда ортиб бораётганлиги ҳамда ушбу жиноятларни фош этиш кўрсаткичларининг пастлиги, келгусида мазкур турдаги жиноятларни олдини олиш учун кенг қамровли ташкилий, техник ва профилактик чораларни кўришни тақозо этмоқда.

Таҳлилларга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йилда 7 та кибер ўғриликлар қайд этилиб, шундан 4 таси фош этилган, қолган 3 таси фош этилмаб қолган. 2022 йилда Хоразм вилоятида 15 та кибер ўғриликлар қайд этилган бўлиб, шундан 6 таси фош этилган, қолган 9 таси фош этилмаган.

2022 йилда кибер ўғрилик оқибатида етказилган умумий моддий зарар Қорақалпоғистон Республикасида 119.352.800 сўмни (14 фоизи ундирилган), Хоразм вилоятида 185.868.730 сўмни (20 фоизи ундирилган) ташкил этган.

Ўрганишлар давомида кибер ўғриликлар асосан қуйидаги усулларда содир этилаётганлиги аниқланди:

Хоразм вилоятида:

- 1) “Fishing”, яъни онлайн тарзда пластик карта маълумотларини қўлга киритиб, яширин равишда пул маблағларини ўзлаштириш – 12 та;
- 2) “Sunmi” касса аппарати ёрдамида “Humo” пластик карталаридан яширин равишда пул маблағларини ўзлаштириш – 1 та;
- 3) Зарар келтирувчи дастурлар орқали фойдаланувчининг маълумотларини қўлга киритиб, пул маблағларини ўзлаштириш – 2 та.

Қорақалпоғистон Республикасида:

- 1) “Fishing”, яъни онлайн тарзда пластик карта маълумотларини қўлга киритиб, яширин равишда пул маблағларини ўзлаштириш орқали – 6 та;



2) Зарар келтирувчи дастурлар орқали фойдаланувчининг маълумотларини қўлга киритиб, пул маблағларини ўзлаштириш – 1 та.[2]

Кибер ўғрилик жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг таҳлил қилиш аввалида ушбу тушунчаларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган таърифларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-сон қарорига мувофиқ[3]:

жиноятнинг сабаблари – жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий, руҳий ва моддий омиллар мажмуидир;

жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар - жиноят содир этилишига имкон берадиган, шахс ва жамиятга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келувчи, танқидий жиҳатдан баҳоланувчи вазиятлардир;

жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари – келгусида жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий, тарбиявий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуидир.

Илмий ҳамда амалий тадқиқотлар хулосаларига кўра, кибер ўғрилик жиноятларининг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлардан бири бу айрим электрон хизмат кўрсатиш платформаларда хавфсизлик тизимлари талабга жавоб бермаслигидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кибер ўғриликларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади:

Кибер ўғриликлар вақт, шахс, ҳудуд ва чегара танламаслигини инобатга олиб, ички ишлар органлари профилактика хизматлари ва кибержиноятларга қарши курашишни бевосита амалга оширувчи тузилмалари томонидан қуйидаги чоралар амалга оширилиши тавсия этилади:

1. Ички ишлар вазирлиги Кибержиноятчиликка қарши курашиш марказида “call markaz” ташкил этиш. Марказнинг вазифалари этиб, онлайн ҳарид, кредит олиш ва бошқа интернет тармоғи орқали пул тўлов қилиш билан боғлиқ амалиётларни бажариш давомида шубҳа туғдирган масалалар, сайтлар, таклифлар, чақириқлар ва кибержиноятчилар томонидан интернетдан фойдаланувчилар учун юборилган кибертузоқлар ҳақида келиб тушган мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий, техник маслаҳат беришни белгилаш.

2. Марказ тақдим этган маълумотлар асосида тақиқланган интернет сайтлар, веб-узеллар, каналлар, ссилкалар, ижтимоий тармоқлар, мессенджерлар ва бошқа интернет манзиллар рўйхатини эълон қилиб бориш тартибини йўлга қўйиш.

3. Республикадаги ҳар бир маҳаллада қисқа муддатли “Кибержиноятларнинг олдини олиш” махсус курсларини ташкил этиш. Ушбу курсда маҳаллада истиқомат қиладиган фуқароларни (ихтиёрий асосда), маҳалла “бешлиги” ва бошқа фаолларни кибержиноятларнинг турлари, усуллари, янги кўринишлари, улардан ҳимояланиш чоралари ўқитилади.



Фуқаролар учун кибержиноятларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади:

- хавфсизликка жавоб берадиган махсус дастурлар ўрнатилган, бошқа дастурий таъминотининг сўнгги янгиланишларига эга бўлган операцион тизимлардан фойдаланиш;
- сайтлардан фойдаланишда уларнинг интерфейси (асосий ойнаси, манзили) ташқи кўринишига эътибор бериш;
- шахсий маълумотларни хавфсиз протоколлардан фойдаланадиган веб-сайтлар (браузерда бундай сайт манзили ёнида яшил фонда блокировка белгиси кўрсатилади)дан бошқаларига киритмаслик;
- бир хил логин ва пароллардан фойдаланмаслик;
- жуда осон, тахминан аниқлаш мумкин бўлган пароллардан фойдаланмаслик (масалан: туғилган сана, телефон рақамлари);
- икки босқичли аутентификациядан фойдаланиш (одатда, SMS-хабар ёки "PUSH" хабарномаси шаклида мобиль телефонга юборилади);
- тасодифий келган хабарлардан эҳтиёт бўлиш, ҳатто жўнатувчини таниган тақдирда ҳам шубҳали ҳаволаларга кирмаслик;
- шахсий маълумотларни талаб қиладиган сўровлардан эҳтиёт бўлиш (банклар ҳеч қачон интернет орқали шахсий маълумотни сўрамайдилар)
- ҳеч қачон ҳимояланмаган интернет каналлари орқали шахсий маълумотларни юбормаслик;
- танишлардан молиявий операцияларни амалга ошириш ёки молиявий маълумотлар узатишни рағбатлантирувчи хабарларни олганда, ушбу маълумотларни бошқа алоқа каналлари (телефон қўнғироғи, овозли хабар йўллаш имконига эга мессенджер) ёрдамида текшириш, суҳбатдошнинг шахсига аниқлик киритиш;
- интернет орқали ёки "Visa", "MasterCard" каби халқаро тўлов тизимларидан тўловларни амалга оширишда "3D Secure" каби хавфсизликни қўшимча таъминлаш технологияларидан фойдаланиш;
- банк карта маълумотларини хавфсиз жойда сақлаш, тўлиқ маълумотларни ҳеч кимга SMS орқали юбормаслик;
- шахсий маълумотларни ҳеч қачон янги онлайн дўстлар билан баҳам кўрмаслик;
- "Click jacking" (бу шундай турдаги киберҳужумки, бир қарашда улар зарарсиз контентга ўхшаб кўринадиган гиперҳаволаларни ўзида сақлайди, бироқ гиперҳаволани босиш зарарли дастур учун йўл очади, бу шахсий компьютерга тажовуз қилиши ёки шахсий маълумотларни четга узатиши мумкин) қурбонига айланмаслик учун телеграм ёки бошқа мессенджерлар орқали келаётган "овоз бериш" ёки "қўллаб қувватлаш" ҳақидаги шубҳали хабарларни очиб кўрмаслик;
- веб-сайтларнинг URL манзилларини диққат билан кўриб чиқинг, энг кенг тарқалган ҳийла – бу қонуний веб-сайт номи ва сохта нарсаларнинг комбинацияси. Ушбу манзиллар, кўпинча, қонуний кўринишда хакерлик фаолияти билан боғлиқлигини яширадиган нусха кўчирадиган сайтларга олиб келади. Баъзида URL қонуний бўлиши мумкин, аммо ҳавола босилганда, у бошқа сайтга олиб боради;



- банк пластик картаси бириктирилган “android” телефонларни ёш болаларга бермаслик;
- смартфонлардаги шахсий маълумотларни ва пластик карта ҳамда шахсий аккаунт маълумотлари сир сақланишини таъминлаш учун, уяли алоқа воситалари, ундаги пластик карта, шахсий аккаунт, мобиль иловаларга парол бириктириш;
- пластик карта расмини телефон галереясида сақламаслик ёки бошқа шахсларга юбормаслик (пластик карта кодини ва амал қилиш муддатини билиб олиш, жиноят содир этишга шароит яратиб беради).

Бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда шахсий ва хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши бирламчи аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳар қандай мулкний ҳуқуқнинг бузилиши, хусусан, ўғрилиқ жиноятларининг кўпайиши фуқароларда давлатга нисбатан ишончсизлик ва қўрқув ҳиссини туғдиради. Бу эса, ўз навбатида, жиноят содир этган шахсларга нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўришни тақозо этади. Зеро, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир”.[4] Мақолада ёритилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кибер ўғрилиқ жиноятларининг сабаблари ҳамда унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг бартараф этилишига, кибер ўғрилиқларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга ҳамда ушбу турдаги жиноятларни жиловлашга хизмат қилади.

References:

1. Мақола. O‘zbekistonda internet xizmatidan foydalanuvchilar soni 27,2 milliondan oshdi. review.uz/oz/post/. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2023 йил 8 май).
2. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида 2022 йилда қайд этилган жиноятлар юзасидан таҳлилий маълумотнома.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5623688>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2023 йил 8 май).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь кундаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи.